БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАР ТАЙЁРЛАШДА КУТУБХОНАНИНГ АҲАМИЯТИ





Робия Ишназарова,
Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти Ахборот-ресурс марказининг директори

Ахборот-ресурс марказининг китоб фонди 205 237 нусхадан ортиқ бўлиб, фойдаланувчилар сони эса 21 800 тани ташкил қилади

» Баркамол инсонларни, илмга чанқоқ кўплаб китобхонларни ахборот-ресурс марказига жалб қилиб, уларни миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялашга ҳисса қўшаётган маърифат марказларидан бири Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти Ахборот-ресурс марказидир.

Институт 1974 йилда ташкил этилган бўлиб, шу йили кутубхона ҳам ўз фаолиятини бошлаган. Дастлабки йилларда кутубхона 1790 нусха китоб фондига эга бўлиб, 1 440 та китобхонга хизмат кўрсатган. Кутубхонада эса 4 та бўлим фаолият олиб борган. 2006 йилда институт асосий кутубхонаси ахборот-ресурс марказига айлантирилди.

Ахборот-ресурс маркази фойдаланувчиларга сифатли хизмат кўрсатиш учун Мирзачўл, Арнасой, Фориш, Бахмал, Ғаллаорол ва Жиззах шаҳар кутубхоналари бирлаштирилди. Бундан ташқари, талабалар турар жойида ҳам 1 670 нусха фондга эга АРМ бўлинмаси ташкил қилинди.

Ахборот-ресурс марказида қуйидаги бўлимлар мавжуд: Хизмат кўрсатиш, Илмий-услубий, Библиография, Фанлараро ўқув-услубий мажмуалар, электрон дарсликлар бўлими ҳамда Маънавият хонаси.

Мустақил ўқув зали 42 ўринга мўлжалланган. Бўлимда аниқ фанларга доир адабиётлар жамланган, улар 2 800 тани ташкил этади.

Электрон дарсликлар бўлимининг умумий фонди – 7 180 та. Шундан:

- электрон дарсликлар – 20 номда;
- тўлиқ матнли ресурслар – 2 264 номда;
- ўқув-услубий мажмуаларнинг электрон версиялари – 4 794 номда;
- бошқа адабиётлар ва мультимедиалар – 102 номда.

Ҳозирда ахборот-ресурс марказининг туман тармоқлари билан биргаликдаги жами китоб фонди 205 237 нусхадан ортиқ бўлиб, фойдаланувчилар сони эса 21 735 тани ташкил қилади.

Ахборот-ресурс маркази мунтазам равишда фойдаланувчиларнинг ҳамда аҳолининг эҳтиёжини қондириб бориш мақсадида «Шарқ», «Ўқитувчи», «Адолат», «Фан» нашриётлари билан шартномалар тузиб, зарур дарслик, ўқув қўлланмалар ҳамда бадиий адабиётлар билан фондни мунтазам равишда бойитиб бормоқда. Бунинг натижасида АРМ фонди йил давомида 3 500 – 4 000 нусхадаги янги адабиётлар билан тўлдирилади.

Ахборот-ресурс маркази ўқув йили ва йиллик режа асосида иш олиб боради, шунингдек, 2016 йил – «Соғлом она ва бола йили»





давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Услубият бўлими томонидан тегишли фаолият дастури ишлаб чиқилиб, АРМда китобхонларга хизмат кўрсатишнинг турли шакллари йўлга қўйилди. Бундан ташқари, «Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор», «Имконияти чекланган талабаларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни такомиллаштириш», «Ахборот-ресурс марказлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш», «Янги адабиётлар сизлар учун» каби маънавий-маърифий, адабий кечалар, китобхонлар конференциялари, давра суҳбатлари, янги адабиётлар тақдимоти ва ахборот-кутубхона фаолияти бўйича тадбирлар ҳам режа асосида ташкил этиб борилмоқда.

АРМда фойдаланувчиларга ахборот-библиографик маълумотларни етказиш борасида «Кафедра – кутубхона – талаба» ҳамкорлиги йўлга қўйилган бўлиб, бу ҳамкорлик доирасида «Кафедралар куни», «Ахборотлар куни», «Мутахассислар куни» каби тадбирлар ҳам режа асосида олиб борилади.

Бугунги кунда ахборот-ресурс марказида Корпоратив тармоқда ахборот-ресурс марказларининг автоматлаштирилган тизими КАРМАТ дастури мунтазам ишламоқда. Ушбу дастурга библиографик ёзувлар ва талабалар тўғрисидаги маълумотлар киритилиб борилмоқда. Айни пайтда, КАРМАТ дастурига 26 000 дан зиёд адабиётнинг библиографик ёзувлари киритилди.

Шунингдек, ахборот-ресурс марказида институтда таҳсил оладиган жисмоний имконияти чекланган талабалар учун махсус ахборот хизматлари ташкил этилган. Жумладан, бундай талабалар учун махсус дастурдан фойдаланиш имконияти яратилган.

АРМ фойдаланувчиларининг ахборот хизматларидан, хусусан, компьютерлардан тўғри фойдаланишларини назорат қилувчи КВАНТ дастури ҳам ишлаб турибди.

Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш мажлисининг 2014 йил 6 январда тасдиқланган 20-баённинг 2-бандида



ҳар бир вилоятда замонавий ахборот технологиялари, тегишли дастурий таъминот, илмий ва оммабоп электрон ахборот-ресурсларини жорий қилган ҳолда, намунавий ҳудудий ахборот-кутубхона муассасасини яратиш вазифасидан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий ўқув юртлари негизида Ҳудудий-намунавий ахборот-ресурс маркази ташкил этилди.

Ҳудудий-намунавий ахборот-ресурс марказига Жиззах вилояти бўйича Жиззах давлат педагогика институти Ахборот-ресурс маркази киритилди. АРМни замонавий ахборот технолгогиялари, тегишли дастурий таъминот, илмий ва оммабоп электрон ахборот ресурсларини жорий қилиш учун 2015 йилда Ахборот-кутубхона муассасларини ривожлантириш жамғармасидан 167 000 млн. сўмлик маблағ ажратилди ва шу маблағлар ҳисобидан АРМ замонавий жиҳозлар ва компьютер технологиялари билан қайта жиҳозланди.

Ҳозирги кунда ахборот-ресурс марказида 52 та мутахассис фойдаланувчиларга сифатли хизмат кўрсатмоқда.

Электрон дарсликлар бўлимининг умумий фонди 7 180 та. Шундан электрон дарсликлар 20 номда; тўлиқ матнли ресурслар 2 264 номда; ўқув услубий мажмуаларнинг электрон версиялари 4 794 номда; бошқа адабиётлар ва мультимедиалар 102 номда

Робия Ишназарова, директор информационно-ресурсного центра Джизакского государственного педагогического института

В статье освещена деятельность информационно-ресурсного центра Джизакского государственного педагогического института: об условиях, созданных для пользователей, о сформированных современных видах информационных и инклюзивных услуг, оказанных пользователям в рамках информационно-библиотечного обслуживания. Автор также отмечает особую роль информационно-ресурсных центров в современных процессах глобализации и развитии общества.